



## Муаммолар ечими маҳалладан четга чиқмаяпти

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ҳисобот берди.

3-с.

## Аёл ҳунарли бўлса, ҳаётда адашмайди

Эрта турмушга чиққан қизлар ишлаш истаги борлиги, лекин касбга эга эмаслигидан қунониб мурожаат қилишади.



8-с.

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2024 йил  
4 июль,  
Пайшанба

# Маҳалла

№35  
(2173)

WWW.UZMAHALLA.UZ

## БУГУНГИ СОНДА:

### “Лойиҳа 70 фоиз ёшлар бандлигини таъминлади”

“Йилнинг энг намунали маҳалла ёшлар етакчиси” танловининг “Ёшлар дафтари” тизими асосида самарали иш ташкил этган “Энг намунали маҳалла етакчиси” йўналишида фойдаланиш қўлга киритганман. Танловга тақдим этилган лойиҳам — маҳаллада ташкил этилган “Обод таълим” марказидир.

4-с.

### “Аввал эшик қоқиб борсак, хушламас эди”

Солиқ хизмати ходимлари меҳнат фаолиятининг самарадорлиги тизимнинг рақамлаштирилишига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Сабаби, кимнинг қанча қарздорлиги борлигини аниқлаш кимнингдир меҳнат фаолиятини қонунийлаштириш керак бўлса, биргина илова ёрдамида амалга оширилмоқда.

5-с.

### “Инспекторнинг судга боришини чеклаш зарур”

Профилактика инспекторларини алкотестер курилмалари билан таъминлаш керак. Туман марказларида “хушёроналар” ташкил этиш лозим. Ҳар бир маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича икки сменали ишни ташкил этиб, ситуацион-таҳлилий марказлар фаолиятини йўлга қўйиш зарур.

6-с.

### Мақсад, шижоат бор, аммо иш ўрни топиш қийин

Истардимки, шундай онлайн платформа ташкил этилсаки, барча ҳудудлар ишлаш истагидаги ногиронлиги бўлган фуқаролар ҳақидаги маълумотларни ўша ерга жойласа. Корхона ва ташкилотлар ўзига керакли мутахассисни қақириб, иш билан таъминласа...

8-с.

## Уюшма ва жамғарма меморандум имзолади

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамда Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Уюшма раиси Қаҳрамон Куронбоев «Нуроний» жамғармаси республика бошқаруви раиси Содиқжон Турдиев билан учрашди. Учрашув давомида томонлар маҳаллаларда нуронийлар фаолияти самарадорлигини ошириш, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга кўмаклашиш, кексаларнинг муаммоларини манзилли ўрганиш ва бартараф этиш бўйича қатор ҳамкорликдаги чора-тадбирларни муҳокама қилдилар.

Шунингдек, келгусида нуронийлар ёш авлоднинг ҳалқимизнинг кўп асрлик анъаналарини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳаллаларда тартибли ва ҳавфсиз миграцияни жорий этиш йўналишларида “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликка келишиб олинди. Учрашув якунида томонлар ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.



### “Еттилик” фаолияти таҳлил қилинди

Тошкент вилоятида аҳоли турмуш шароити ва маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар ўрганилмоқда.

Уюшма раиси Қаҳрамон Куронбоев Янгийўл туманига бориб, “Маҳалла сервис компаниялари”ни ташкил этиш ва унда “маҳалла еттилиги” амалга оширадиган ишлар ҳақида “еттилик”нинг ҳар бир аъзоси билан бирма-бир суҳбат ўтказди. Шунингдек, маҳаллаларда аҳоли хонадонларида бўлиб, уларнинг “Сайхунобод тажрибаси” асосида томорқадан фойдаланиш маданияти билан танишди.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” ФАОЛИЯТИГА ДОИР ТАВСИЯЛАР

## Одамларни меҳнат билан банд қилиш — мураккаб, аммо энг шарафли вазифадир

(Иккинчи мақола)



Дастлаб ушбу лавозимнинг номланишига эътибор қаратамиз: маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси! “Тадбиркорликни ривожлантириш” иборасини тушунамиз, “бандликни таъминлаш” бегона тушунча эмас, “камбағалликни қисқартириш”, гарчи кейинги йилларда кенг қўлланаётган сўз бўлса-да, давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланганини биламиз. Лекин нега айнан “ҳоким ёрдамчиси” мақоми берилмоқда?

Ҳоким — ҳудуднинг раҳбари, туман(шаҳар)нинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига жавобгар шахс. Худди шундай, эндиликда ҳоким ёрдамчиси ўзига бириктирилган маҳалладаги иқтисодий балансни сақлашга, оилаларни даромадли қилишга, шисизликни йўқотишга, шу орқали ҳудуддаги ижтимоий муҳитни яхшилашга масъул саналади. Шундай экан, ҳоким ёрдамчиси ҳам энди ҳоким каби уйлаши, фикрлаши, муаммолар ечими бўйича ташаббус кўрсатиши керак.

Яна бир жиҳат: туман (шаҳар) ҳокимларининг ҳудуддаги ҳар бир маҳаллага ҳар кун бориб, аҳоли муаммоси билан жойида ишлашга имкони йўқ. Шу боис улар ваколатига қўриқчи вазифаларни бажариш, муаммоларни тезкор ҳал этишда ҳоким ёрдамчилари кўмаклашиши назарда тутилган.

Иккинчидан, нега бу вазифа соҳиблари энг куйи тузилма — маҳаллада фаолият кўрсатиши керак? Айтиш керакки, бизда маълум вақт пастга тушиш, бевосита халқ билан ишлаш тизими йўқ эди. Одамлар кредит олиш ёки тадбиркорликни бошлашдан олдин кимга учрашишни билмасди. Ҳоким ёрдамчилари институти айнан шу бўшлиқлар кесимида ташкил этилди. Улар уйма-уй юради, ишсиз борми, молиявий кўмакка муҳтож, тадбиркорликка қизиққанлар борми, ҳар бири билан астойдил шўғулланади.

Давоми 2-саҳифада.

ТАШРИФ

## БМТ Бош котиби маҳаллада бўлди

Президент Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Бишларшан Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш пойтахтимизнинг Яққасарой туманидаги “Дилбулок” маҳалласида бўлди.

Олий мартабали меҳмонга кейинги йилларда маҳалла тизими босқичма-босқич ривожлантирилаётгани ҳақида сўзлаб берилди, “маҳалла еттилиги” жорий этилгани таъкидланди. Улар ўз ҳудудларида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва ҳамжихатлигини таъминлаш, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш каби масалаларни ҳал қилишда биргаликда фаолият олиб бориши қайд этилди.

Шу ерда маҳалла аҳли, нуронийлар билан мулоқот бўлди. Унда маҳалла ҳаёти, бу ердаги бошқарув тизими ҳақида сўз борди.



“Дилбулок”да 6 700 нафардан зиёд аҳоли яшайди. Маҳалла идораси янги қурилган. Кўп қаватли уйлар йўлга ва ички кўчалар таъмирланган. Худуддан ўтувчи анҳор бўйи тартибга келтирилиб, обод сайилгоҳга айланган. Ишқомлар, мевали ва манзарали дарахтлар, пиёдалар йўлаклари маҳаллага кўрк бағишлаб турибди.

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш маҳалла мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутувчи ноёб институт эканини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистонда аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш учун бу тузилма имкониятларидан кенг фойдаланилаётганини юқори баҳолади.

ЯНГИ ЛОЙИҲА

## “Маҳалла карвони” барча маҳаллага кириб боради

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси яна бир янги лойиҳага старт берди — “Маҳалла карвони”. Мақсад аниқ: маҳаллалар фаовонлигини таъминлаш, аҳолининг маънавияти, маърифатини юксалтириш. Эндиликда “Маҳалла карвони” билан бирга ҳудудларга маънавият, маърифат, илму зиё кириб боради.

Лойиҳанинг илк манзили — Тошкент вилояти Зангиота туманидаги “Ватанпарвар” маҳалласи бўлди. Бу ерда тумандаги мавжуд 73 та маҳалладан келган юртдошларимиз халқ хизматида бел боғлаган ижодий жамоани юқори кайфият ва кўтаринки руҳда қарши олди.

7 ёшдан 70 ёшгача бўлганлар ўз қизиқишига кўра, қизиқарли лойиҳаларда иштирок этишди. Хусусан, “Уч авлод учрашуви”, “Китобхонлик”, “Заковат”, “Шерият” танловлари, “Оқила аёллар” иштирокида суҳбатлар, болалар

учун махсус кўргазмалар, хунармандчилик маҳсулотлари намойишлари кўпчиликка манзур бўлди. Лойиҳа доирасида аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилди. Кўча диагностика мутахассислари иштирокида саломатликни мустақамлаш, тиббий маданият мавзусида суҳбатлар ташкил этилди.

Лойиҳанинг кейинги манзили — Сирдарё вилояти Сардоба туманидаги “Дўстлик” маҳалласи бўлди. Бу ерда лойиҳа доирасида ташкил этилган 14 турдаги маънавий-маърифий тадбирларда аҳоли фаол иштирок этди. Жум-

ладан, “Уч авлод учрашуви”да кўпни кўрган нуронийлар ўз тажрибасини ёшлар билан бўлишди.

Лойиҳа доирасида спорт тадбирлари, турли танловлар, миллий либослар кўргазмалари, тиббий-кўрик, психологик тренинглари ўтказилди. Тижорат банклари вакиллари аҳолига имтиёзли кредит ва субсидиядан фойдаланиш шартлари ҳақида маълумот берди. Кун якунида таниқли санъат усталари иштирокида ташкил этилган гала-концерт барчага хуш кайфият улашди.



Маълумот учун, “Маҳалла карвони” республикамизнинг барча ҳудудларидаги маҳаллаларга кириб боради.



**ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ**  
3-4 июль кунлари  
Шанхай ҳамкорлик  
ташкилоти Давлат  
раҳбарлари кенгашининг  
навбатдаги мажлисида  
иштирок этди.



**Президент Шавкат Мирзиёев**  
БМТ Бош қотиби  
Антониу Гутерришни  
“ОЛИЙ ДАРАЖАЛИ  
ДЎСТЛИК” ордени билан  
тақдирлади.



**Президентимиз Туркман**  
халқининг миллий  
етакчиси, Туркменистон  
Халқ Маслаҳати  
Раиси Гурбангули  
Бердимухамедов билан  
ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ  
МУЛОҚОТ қилди.

Давоми. Бошланғич 1-саҳифада.

# Одамларни меҳнат билан банд қилиш — мураккаб, аммо энг шарафли вазифадир

(Иккинчи мақола)

“МАХАЛЛА ЕТТИЛИГИ” ФАОЛИЯТИГА ДОИР ТАВСИАЛАР



**Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ,**  
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси,  
сиёсий фанлар доктори.

Ҳоким ёрдамчиси маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни “хонадонбай” ўрганади. Аҳоли бандлигини таъминлайди, томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, тадбиркорликни ривожлантириш, доимий даромад манбаига эга бўлмаган, ишсизлар, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ва тадбиркорлик ўқув марказларига йўналтирилади ҳамда битирувчилар бандлигини таъминлашга ёрдам беради.

Маҳалладаги бўш иш ўринларини ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мавсумий ишчиларга бўлган талабини аниқлаш орқали ишсизларни, биринчи навбатда, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшлар ва хотин-қизларни ишга жойлаштирилади.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантирилади, маҳалланing иқтисослашувидан келиб чиқиб, кооперация асосида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истиғини билдирган етакчи тадбиркорларга имтиёзли кредит ажратишни ташкил этади. Уларга тадбиркорлик билан муваққат шугулланиш тажрибасига эга бўлмаган фуқароларни ўз фаолиятини йўлга қўйиш учун бириктиради. Томорқадан самарали фойдаланиш, уй шароитида деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, қўнчилик, асаларичилик, урувчилик, қўчатилик, гулчилик каби фаолият турларини йўлга қўйишга кўмаклашади.

Ҳўш, бу мақсадларга эришиш учун ҳоким ёрдамчиси қандай вазифаларни бажариши талаб этилади?

## “САЙХУНОБОД ТАЖРИБАСИ”: ИШСИЗЛИККА ҚАНДАЙ БАРҲАМ БЕРИШ МУМКИН?

Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган “Сайхунобод тажрибаси”, агар қимчи астойдил меҳнат қилса, интилса, ҳеч қимдан кам бўлмаган шароитда яшаш имконияти мавжудлигини кўрсатди. **Аслида, бу тажрибадан кўзланган мақсад шу эди — томорқадан самарали фойдаланиш орқали юқори даромад олиш.**

Тажрибанing айнан Сайхунободда йўлга қўйилиши беҳиз эмас. Туманнинг ижтимоий-иқтисодий аҳоли, одамларнинг яшаш шароити ўрганилганда, ҳудудда иқтисодий ўсish, ривожланиш учун катта имконият бўлса-да, ундан етарлича фойдаланилмаётгани аниқланди.

Янги тажриба йўлга қўйилиши натижасида аҳоли томорқасидан унумли фойдаланиб, мўъжаз иссиқхона қуриш, эртапишар, интенсиф боғ яратиш, чорвачилик, паррандачилик, балиқчиликни ривожлантириш орқали йилга 100 миллион сўмгача даромад топиш мумкинлиги исботланди. Масалан, хонадонлардаги иссиқхонада помидор, бодринг етиштирилиб, аҳоли дастурхонига етказилмоқда. Натижада одамлар полиз маҳсулотларини сотиб олиш учун марказдаги бозорларга боришга эҳтиёж қолмади.

Қолаверса, дарахт танасига ёруғликнинг етарли даражада тушиши, ҳавонинг меъёрга айланиши, мева ҳосилини теришдаги қулайликларни туфайли бу ҳудудда эртапишар, интенсиф боғ яратиш имконияти бор.

Сунъий ҳавзалар яратиш учун сув заҳирасининг мавжудлиги, хомашё манбалари бойлиги балиқчиликни ривожлантириш ва мўл даромад топиш имкониятини беради. Бундан ташқари, хонадонларда кооперация асосида йилга 80 тоннадан ортиқ балиқ етиштирган кластерлар уч йил муддатга барча солиқлардан озод этилгани, уйда балиқ етиштирувчилар учун «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида кредит миқдори 2 баробарга оширилгани, балиқ

етиштирувчи хонадон эгалари учун ер ва мулк солиқлари 50 фоизга камайтирилиб, улар ўзини ўзи банд қилган аҳоли тоифасига ўтказилгани туманда соҳа ривож учун муҳим омил бўлмоқда.

**Кўряписизми, бандликни таъминлаш ва даромаднинг оширишда ҳудуднинг ўзига хос жиҳатлари, албатта, инобатга олинган.** Бошланган бу тажриба қисқа вақтда ўз самарасини берди ва республика бўйича оммалаштирилишига сабаб бўлди. Ҳудудларга қилган хизмат сафарим давомидаги аҳоли билан учрашувларда буни ўз кўзим билан кўряпман.

Бағдод, Учкўприк ва Бувайда туманларида аҳоли турмуш шароити ва маҳаллаларда амалга оширилаётган ишларни ўрганишимда, “Сайхунобод тажрибаси” асосида томорқадан самарали фойдаланиб, паррандачиликдан қўшимча маблағ топишни йўлга қўйган оилалар тажрибасига гувоҳ бўлдим.

Умуман, “Сайхунобод тажрибаси” асосида “маҳалла еттилиги” билан бирга хонадонлардаги имкониятлар ўрганилиши натижасида одамларнинг ҳаёт тарзи ўзгарди. Шу боис бу тажрибага ҳамроҳанг тарзда **“Уйчи тажрибаси” йўлга қўйилди.**

**“Уйчи тажрибаси”нинг ўзига хос жиҳати шундаки, “Сайхунобод тажрибаси” асосида томорқадан самарали фойдаланиш, бу ҳудуддаги маҳаллаларда шаклланган касб-хунарни ривожлантириб, “Драйвер”га айлантириш, шу орқали аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш кўзланган.** Бунинг учун тумандаги “Қумтепа”, “Деҳқон”, “Баландарик” ва “Жийдакана” маҳаллаларида етарли шарт-шароит ва имконият мавжуд. Бугун ҳар икки тажриба асосида ишсиз фуқаролар томорқадан юқори даромад топиб, қобилиятини юзга чиқармоқда. Ҳам ўзи, ҳам оила аъзоларининг бандлиги таъминланмоқда.

**Хурматли ҳоким ёрдамчилари!** “Сайхунобод тажрибаси”ни ҳудудингизда татбиқ этишда, аввало, ҳар бир хонадонга индивидуал ёндашинг. Фуқароларнинг қизиқишига асосан, “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида маҳсулот етиштиришни йўлга қўйиш, шу билан бирга, хонадонда қўшимча даромад манбаи бўлган 3-4 йўналишдаги ёрдамчи ҳўжаликларни (боғдорчилик, асаларичилик, паррандачилик, балиқчилик каби) ташкил этишга кўмаклашинг.

Бунинг учун ваколатингизга кирувчи бир қатор ёрдамчи турлари, хусусан имтиёзли кредит ёки субсидияга қичик иссиқхона қуриш, балиқчилик, паррандачилик, чорвачилик, асаларичиликни бошлаш учун кредит ажратишдан фойдалансангиз бўлади.

Бир сўз билан айтганда, “Сайхунобод тажрибаси” ердан самарали фойдаланиш, деҳқон ҳўжаликларининг ер майдонлари ва томорқаларида экилган экинлар ва етиштирилган маҳсулотларига харидор топиш ва бозорини шакллантиришга, тадбиркорларни сифатли уруғ ва дори воситалари билан таъминлашга амалий ёрдам бериш каби муҳим омилларни ўз ичига ола, “Уйчи тажрибаси” нафақат томорқадан самарали фойдаланиш, балки “ўсish нуқтаси”га таянган ҳолда аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратишга қаратилган.

Ҳоким ёрдамчиси сифатида Сиз бу вазифаларни ҳар қанлиқ иш тартибига айлантиринг.

## БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА АЙНАН СИЗ МАСЪУЛ БЎЛАСИЗ!

Халқимиз азалдан тадбиркор, ҳаракат қилса, интилса, ҳар ишнинг урдаасидан чиқадиган салоҳиятга эга. Табиат ўзгаришларига тезкор ечим топиш ва қийин вазиятлардан мақбул йўл билан чиқиш ҳадисини олган. Фақат уларга озгина кўллаб-қувватлов ва рағбат керак.

**Зиммангиздаги яна бир муҳим вазифа — ҳудудингизда ҳар ой қандаи 10 нафар ишсизни иш билан таъминлаш.** Агар ҳар бирингиз бу вазифани уйда-ласангиз, республика бўйича ойига 100 минг нафар одам ишли бўлади.

Бунинг учун хонадонларга қириб, вақтинча ишсиз бўлган, лекин қўлидан иш келадиган, тадбиркорликка қобилияти ва қизиқиши бор, бирор хунар ўрганишни истётган фуқаролар, айниқса, ёшлар билан сўхбатлашиб, уларнинг хоҳишига қараб, амалий ёрдам кўрсатинг. Мисол учун, Бекобод тумани “Олтин водий” маҳалласида истиқомат қилаётган, деҳқончиликка хоҳиши бўлган 20 нафар ёшнинг ҳар бирига энг серҳосил ва суви сероб ер майдонларидан жой ажратиб берил-



ди. Бу орқали маҳалладаги 20 та оила бюджетига қўшимча даромад манбаи кириб келишига эришилди.

Ишсиз сифатида рўйхатга олинганларга субсидия ва кредит ажратиш, етарли малакаси бўлмаганларни касб-хунар марказларига йўналтириш орқали уларни рўйхатдан чиқариш мумкин. Кейинги босқичда молиявий кўмак олган фуқаро мавлафдан қандай фойдаланаётганини назорат қилинг. Мисол учун, Деҳқонобод туманининг “Оқработ” маҳалласида истиқомат қилувчи Дилмурод Раҳмоновга ҳоким ёрдамчиси қўмағида 100 миллион сўм гаровсиз имтиёзли кредит маблағи ажратилди. Натижада тадбиркорлар сафи яна биттага ортиб, «Чак-чак» бренди остида минерал суви қадоклаш йўлга қўйилди. Муҳими, 10 га яқин янги иш ўрни яратилди.

Бандликни таъминлашнинг яна бир муҳим омил — маҳалланing ўсish нуқтасидан келиб чиқиб, кооперация ташкил этиш. Бугун бу борада яхши натижага эришаётган ҳоким ёрдамчилари оз эмас. Фарғона туманидаги “Чекхитой” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси ташаббуси билан ҳудуд “Драйвер” дани келиб чиқиб, етакчи тадбиркорлар ҳамасида хонадонларда супурги ишлаб чиқариш кооперацияси йўлга қўйилгани бунга мисол бўла олади. Айнавий равишда ҳудуд аҳолиси супурги етиштириши ва ясаб, сотиш билан шугулланади. Ҳоким ёрдамчиси шундан келиб чиқиб, бу йўналишни кенгайтирган, етакчи тадбиркорлар қўмағида экспортга чиқариш йўлга қўйилган. 2023 йилда 1 млн. долларлик супурги хорижга етказиб берилган.

## “ХОРИЖГА ИШ — МАҲАЛЛАДАН”

Маҳалладаги ўзгаришлардан яна бири — шу ернинг ўзида меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларга ёрдам кўрсатиш ва уларнинг расмий бандлигини таъминлашдир. Бу йўналишда “Хорижга иш — маҳалладан” тамойили асосида ҳар бир меҳнат мигранти рўйхатга олиниб, зарур ёрдам кўрсатилмоқда.

**Ҳоким ёрдамчиси сифатида Сиздан хорижга ишлашга кетувчи ва миграциядан қайтганлар билан ишлашда янгича ёндашув талаб этилади.** Бунинг учун “Хорижга иш — маҳалладан” тамойили асосида хорижда ишлаш истиағида бўлган фуқарони аниқлаб, “Онлайн маҳалла” платформасига киритишингиз, номзодларни хориждаги иш бериувчилар танловларига жалб қилишга кўмаклашишингиз лозим.

Касбий малакаси йўқ ва ўзи бориб ишлайдиган мамлакатнинг расмий мулоқот тилини билмайдиган фуқароларни касбга ўқитиш ва профессионал таълим муассасаларида мақсадли тайёрлаш зиммангиздаги муҳим вазифа ҳисобланади. Бундан ташқари, меҳнат миграциясини қайтган фуқароларнинг бандлигига кўмаклашиш мақсадида “Сайхунобод тажрибаси” асосида уларга томорқадан маҳсулот етиштириб, даромад олиши учун молиявий кўмак бериш имконияти яратилган.

## АВВАЛО, ЎЗИНГИЗ ИБРАТ ВА НАМУНА БЎЛИНГ!

Инсонларда ўзини ўзи банд қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш, оилавий даромадларини кўпайтириш орқали камбағалликдан чиқиш мумкинлигидаги ишонч пайдо бўлди.

Маҳалладаги ишсиз фуқаролар сони тобора камайиб борапти. Албатта, бу ҳодиса аҳоли кўз ўнгига содир бўляпти.

Аваллари ишга жойлашиб, субсидия олиш, касб-хунарга ўқиш, ўз бизнесини очиш учун кредит олиш орқига оворагарчиликка сабаб бўларди. Ҳозир ҳоким ёрдамчиларининг саъй-ҳаракати билан ҳудудлар “хонадонбай” ўрганилиб, фуқароларнинг тадбиркорлик фаолияти кўллаб-қувватланмоқда. Бу жараённинг узвий иштирокчиси ва ташаббускори сифатида фаолиятингизни такомиллаштиришга эътибор беринг.

**Зиммангиздаги яна бир муҳим вазифа — имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратиш бўйича келиб тушган муножаатларни жойида ўрғаниб, асосланган ҳолатларда тавсиянома бериб бориш.** Лекин фуқаро кредит ёки субсидия олгани, бу унинг муаммоси хал бўлганини билдирмайди. Аксинча, сиз энди у билан янада кўпроқ мулоқотда бўлишингиз, тадбиркорлигини самарали ташкил этишга кўмаклашишингиз керак.

Унутманг, фаолиятингизга баҳо ишсиз фуқарога кредит ёки субсидия ажратганингиз учун эмас, балки шу маблағ ҳисобидан янги иш ўринлари яратилгани, тадбиркорлик субъекти ташкил этилганига қараб берилади.

Манзилли дастурга киритилган микроойиҳаларни молиялаштиришда айнан ушбу тартибда амал қилинг. Талабдор тақдим этаётган мақсадли лойиҳани амалга оширишга тўсиқ бўлатидан омилларни аниқлаб, тезкор бартараф этангиз, зиммангиздаги вазифани бажарган бўласиз.

Одамларнинг ишончини қозониш, тадбиркорликка қизиқтиришда ўзингиз ибрат ва намуна бўлсангиз, янада юқори натижага эришасиз.

Бу фикрга исбот сифатида Хонка туманидаги “Ойдин ҳаёт” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Жавлон Назаров тажрибасини кўрсатиш мумкин. Ҳоким ёрдамчиси маҳалла аҳолисини тадбиркорликка жалб қилишда, аввало, ўзи ибрат ва намуна бўлмоқда. Хусусан, ҳоким ёрдамчиси 27 сотих ташландиқ ерда иш бошлаб, бужоини қисқа даврда ҳосилдор ва унумдор майдонга айлантирди. Бугун томорқадан туффа хил мевалар парваришланади, балиқчилик ҳўжалиги, паррандачилик йўлга қўйилган. Деҳқон ҳўжалигининг 4 сотих қисмида Калифорниянинг “Блейк сплендер”, “Фиари”, “Анжелино” каби олхўри нави, 30 туп испанларнинг “Магадор” ва французларнинг “Приция” нави ўрик қўнатишдан экилган. Қўшимчасига дарахтлар тағида полiz мулоқот тилини билмайдиган фуқароларни касбга ўқитиш ва профессионал таълим муассасаларида мақсадли тайёрлаш зиммангиздаги муҳим вазифа ҳисобланади. Бундан ташқари, меҳнат миграциясини қайтган фуқароларнинг бандлигига кўмаклашиш мақсадида “Сайхунобод тажрибаси” асосида уларга томорқадан маҳсулот етиштириб, даромад олиши учун молиявий кўмак бериш имконияти яратилган.

## “ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ” — ТАДБИРКОРГА КЎМАКЧИ

Ақсарият фуқаролар аввал уйда тадбиркорлик билан бевосита шугулланиб келган бўлса-да, тадбиркорлик субъекти ташкил қилишга ҳадиксирган. “Кредит олсам, уни қандай тўлайман”, деган кўрқув билан яшаган. Бугун ана шу кўрқув ўрнини ишонч эгаллади. Маҳалладоши, қўшниси тақдириндаги ўзгаришни кўрганлар боқимандаги кайфиятидан қутилиб,

тадбиркорлар сафига қўшилмоқда. **Хурматли ҳоким ёрдамчилари!** Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратишда, аввало, ана шундай инсонларга кўмакчи бўлишингиз лозим. Яратилган имкониятларни аҳолига тўғри тушунтириш ва тарғиб қилинг.

**“20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис”** ибораси бугун кўп ишлатилмоқда. Дастурдан ташкил этилган мақсадга кўра, камбағал оилалар аъзосини касбга ўқитиш, ишли қилиш бўйича лойиҳа аҳамиятига қараб, амалдагидан паст физиларда ва узокроқ муддатга кредит берилади. Тадбиркорнинг “амалий мономарказ” ташкил қилиш ва жиҳозлаш ҳамда касбга ўқитиш харажатлари тўлиқ қўллаб берилади.

Сиздан дастур доирасида маҳаллага бириктирилган корхонада ташкил этилган амалий мономарказ фаолиятини ўрганиб, ишга жойлаштирилган фуқаролар билан сўхбатлашишингиз, зарур ёрдам кўрсатишингиз талаб этилади.

Ҳудудингиздаги қичик бизнес лойиҳаларини кўллаб-қувватлаш, ташаббускорларни ўқитиш, молиялаштириш, ахборот билан таъминлаш, бизнес режалар ва техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш, бозор топиш билан боғлиқ ёрдам туларини кўрсатиш мақсадида уларни **“Қичик бизнесга кўмаклашиш марказлари”**га йўналтиринг.

Камбағал оилалар билан **“индивидуал дастур”** асосида ишлаш уларнинг иқтисодий аҳолини яхшилашга хизмат қилади. Шу боис ҳар кун қандаи 2 та камбағал оиланинг уйига бориб, дастур асосида амалга оширилган чора-тадбирлар самардорлигини ўрганинг.

Бугун барча маҳаллада ижара ҳуқуқи асосида ер майдонлари ажратилиб, аҳоли томорқа ва ер майдонларига турли маҳсулотлар етиштирмоқда. Ўз навбатида оилавий даромади ошмоқда. Албатта, бу яхши натижа. Аммо даромаднинг янада ошириш имконияти йўқ эмас. Масалан, етиштирилган маҳсулотнинг ички бозордан ортганини хорижга экспорт қилиш мумкин. Бунинг учун ижара ерлари ҳамда томорқадан етиштирилган маҳсулотлар ҳисобини юртиб, деҳқон ҳўжаликлари билан экспортёр, брокер ва қайта ишловчи корхоналар ҳамкорлигини йўлга қўйишга эътибор қаратинг.

Тадбиркорликни ривожлантиришда бўш турган бино-ишоотлар ёки ер майдонларини аниқлаб, уларни белгиланган тартибда аукцион савдоларига чиқариш чораларини кўринг. Ишсизларни даромадли меҳнат билан таъминланг, шу жумладан, уларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитишга кўмаклашинг.

Ижара асосида ер майдонлари ажратилган аҳолини кооперативларга бириктириш ва уларни “агрегатор”лар билан боғлаш ишларини ташкил этасиз.

Ўзини ўзи банд қилган аҳоли ичидан тадбиркорликка қизиқиши бўлган шахсларни аниқлаб, рўйхатини шакллантирасиз. Албатта, кун давомида амалга оширган тадбирлар натижаси бўйича маҳаллангиз раисига ҳисобот бериш ҳамда эртанги режалар хусусида фикрлашиб олинг. Унутманг, ҳоким ёрдамчилари юқоридан келтирилган вазифаларни **қулик, ҳафталик, ойлик, чораклик ва йиллик иш тартибидан амалга оширишга масъул ҳамда маҳаллани ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган “йўл харитаси” ижроси ва самардорлигини таъминлашга жавобгардир.**



Шавкат Мирзиёев “30 июнь – Ёшлар куни” муносабати билан Ўзбекистонлик ёшларга БАЙРАМ ТАБРИГИ йўллади.



Давлатимиз раҳбари ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ чора-тадбирлари бўйича ҳисобот билан танишди.



Президент йўллар ва йўл инфратузилмасининг яхши ҳолатда сақлаш ҳамда ҳудудларни ободонлаштириш бўйича ЯНГИ ҚАРОРГА имзо чеқди.

# Муаммолар ечими маҳалладан четга чиқмаяпти



САРҲИСОБ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳудудий бошқармалари бошлиқлари 2024 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида маҳалла тизимида амалга оширилган ишлар, аҳоли муаммоларини ҳал этиш натижалари, шунингдек, келгуси асосий режалари тўғрисида ҳисобот берди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Нуриддин ШАРИПОВ, Янгийўл туманидаги “Нуробод” маҳалласидан.

– Амалиётда кўпинча “ривожланишдан орта қолаётган маҳалла”, “оғир тоифадаги маҳалла” жумлаларига кўзимиз тушади. Хусусан, “Обод маҳалла”, “Обод кўча”, “Обод хонадон” мезонлари шундай тоифадаги маҳаллаларда амалга ошириляпти. Айтингчи, маҳаллаларга бундай тоифалар қайси мезон асосида берилади? Қандай маҳаллалар “оғир” маҳаллалар саналади?

## “ОҒИР” МАҲАЛЛА ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ?

Элмурод ҚАРШИЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бошқарма бошлиғи:

– Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан “Ривожланишда орқада қолаётган ҳамда ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш орқали оилаларнинг даромад манбаини яратиш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланган. Низомга асосан, “оғир” маҳалла, бу – ўрганиш давомида аниқланган ижтимоий аҳоли оғир ва ишсизлик даражаси юқори бўлган ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш ихтисослашуви бўлмаган маҳалла саналади.

Сектор раҳбарлари «оғир» маҳаллаларни қуйидаги босқичларда аниқлайди:

биринчи босқич: ҳар бир хонадон ўрганилиб, қуйидаги 3 тоифага ажратилади:

- а) намунали хонадон – даромади юқори, ўзгалар ёрдамига эҳтиёжи бўлмаган бир ёки ундан кўп оила яшайдиган хонадон;
- б) ўрта хонадон – жон бошига тўғри келадиган даромади минимал истеъмол харажатлари миқдоридан юқори бўлса-да, оила аъзолари ичида ишсиз ёки тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш истаги бор хонадон;
- в) эҳтиёжманд хонадон – жон бошига тўғри келадиган даромади минимал истеъмол харажатлари миқдоридан кам, оила аъзолари ичида меҳнатга лаёқатли бир ёки ундан кўп ишсизлар мавжуд хонадон.

Иккинчи босқич: хонадонларни ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, маҳаллалар 3 тоифага бўлинади:

а) намунали маҳалла – жами хонадонлар сонига нисбатан намунали хонадонларнинг улуши 60 фоиздан юқори ҳамда эҳтиёжманд хонадонларнинг улуши 25 фоиздан кам бўлган маҳалла;

б) ўрта маҳалла – жами хонадонлар сонига нисбатан ўрта хонадонларнинг улуши 60 фоиздан юқори ҳамда эҳтиёжманд хонадонларнинг улуши 25 фоиздан кам бўлган маҳалла;

в) «оғир» маҳалла – жами хонадонлар сонига нисбатан эҳтиёжманд хонадонларнинг улуши 25 фоиздан юқори бўлган маҳалла.

Туман (шаҳар) сектор раҳбарлари, секторлар бошқарув офислари ҳамда “маҳалла еттичилиги” “оғир” маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширади:

- ҳар бир хонадонда аҳолининг турмуш шароити, хоҳиш-истаги ва имконияти ўрганилади;
- маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш учун «ўсish нуқталари» аниқланади;
- «ўсish нуқталари»дан келиб чиқиб, ҳар бир тадбиркорлик йўналишига салоҳиятли «етакчи» тадбиркорлар бириктирилади;
- аҳоли «етакчи» тадбиркорларга бириктирилади ёки ўзининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишига кўмаклашилади.

Ўтказилган хатлов натижасида ўзининг мустақил тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган фуқароларга Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар ажратилади. Ўқиш истагидалар касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилади.

Шунингдек, ўзини ўзи банд қилган аҳоли фаолияти легаллаштирилади, маҳаллий ҳокимликлар тадбиркорлик қилиш салоҳияти ва ишлаш имконияти бўлмаган оилаларга доимий даромад манбаига эга бўлиши учун ҳомийлик маблағлари ҳисобидан 50-100 тадан хонаки товук тарқатиш чораларини кўради.



Шухрат ХОШИМОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи:

– Жорий йилда 119 та маҳалла биносини янгидан қуриш ҳамда 116 тасини реконструкция қилиш режалаштирилган, ўтган даврда 29 та бино янгидан қурилди. “Маҳалла бюджети” тизими орқали фуқаролар йиғинларига январь-май ойларида 15 млрд. 333 млн. сўм маблағ келиб тушди. “Mahalla.ijro.uz” рақамли маҳалла платформаси жорий қилинди.



Адҳам ЗИЎВУДДИНОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи:

– “Обод маҳалла”, “Обод кўча”, “Обод хонадон” мезони асосида тўртта маҳаллада бунёдкорлик ишлари олиб борилди, “Яшил макон” доирасида 2 млн. 700 мингдан зиёд кўчат экилди. Маҳаллаларда ўтган йилга нисбатан жиноятчилик 671 тага, оилавий ажралиш ҳолати 687 тага камайди. 10 331 нафар фуқарога кредит ажратилди, 179,1 мингта иш ўрни яратилди.



– 531 та маҳалланинг ҳар бирида “Омбор китоблари” шакллантирилди ва ҳар бир кўча «маҳалла еттичилиги» аъзоларига тақсимланди. Маҳалла кўмағида 2 314 нафарига кредитлар ажратиш орқали янги иш ўринлари яратилди. 831 та ажралиш ёқасига келиб қолган оилаларнинг 697 таси яраштирилди. 420 та маҳаллада жиноятлар содир этилмади.



Одилбек ОРТИҚОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи:

– Йил якунига қадар 25 860 нафар ишсиз фуқаро бандлиги таъминланади, 14 670 та оила камбағалликдан чиқарилади. 1 126 та маҳалланинг ҳар бирида 10 тадан микролойиҳалар амалга оширилади, “Сайхунobod тажрибаси” асосида 6 638 та кам даромадли хонадонга 147,2 млрд. сўмлик лойиҳа пакетлари тақдим қилинади, 26 та маҳалла биноси қурилади.



Шерали ЙЎЛДОШЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи:



Одилбек ОРТИҚОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи:

– Июль-декабрь ойлари давомида 67 та “қизил” тоифадаги маҳалла “сарик”қа, 261 та “сарик” тоифадаги маҳалла “яшил”га ўтказилди. Ҳар бир маҳаллада таъмирталаб йўллар, газ, электр, ичимлик сув бўйича муаммолар аниқланиб, бартараф этиш чоралари қурилади, ноябрь ойи охирига қадар аҳоли муаммолари маҳалланинг ўзида ҳал қилинадиган тизим яратилади.



Шерпўлат БОЙҚУЛОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи:

– 724 та маҳалланинг барча хонадонлари тўлиқ хатловдан ўтказилди. 56 та маҳалла биноси янгидан қурилди, 3 таси капитал, 58 таси жорий таъмирланди, ҳар бир маҳаллада ҳар куни 1 нафар ишсиз фуқаронинг бандлигини таъминлаш амалиёти йўлга қўйилди. “1 сотих томорқадан камиди 1-2 миллион сўм даромад” мезони асосида 31 365 та хонадоннинг бизнес режалари ишлаб чиқилди.



Фурқатхўжа МАҲМУДУХҲАЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Тошкент шаҳри бошқармаси бошлиғи:

– Ўтган олти ойда 16 715 нафар фуқарога ишга жойлаштиришга кўмаклашилди. 148 та маҳаллада умуман жиноят содир этилмади, оилавий ажралишлар 2023 йилга нисбатан 110 тага камайди. Оммавий ахборот билिमларига маҳаллага оид “Маҳаллада нима гап”, “Маҳалланинг пиру бадавлати”, “Тошкент бўйича навбатчи”, “Ажойиб еттилик” ва “Тошкент одамлари” лойиҳалари амалга ошириляпти.



УЮШМА КУНДАЛИГИ

## Ўқув-семинар: ҳам амалий, ҳам услубий кўмак

Республика ишчи гуруҳи аъзолари маҳаллаларда бўлиб, “еттилик” фаолиятини ўрганипти, муаммоларга ечим толяпти.

Чортоқ туманидаги ўрганишларда аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш, одамлар кайфиятига салбий таъсир этувчи омилларни бартараф қилиш, камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш ҳамда мурожаатлар билан ишлашни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Чегара ҳудудда жойлашган “Соз-сой” маҳалласи ходимлари

билан бирма-бир суҳбат ўтказилиб, уларнинг фаолияти сарҳисоб қилинди. Ҳар бир йўналиш бўйича вазибалар ижросига масъуляти билан ёндашиш, айниқса, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш борасидаги фаолиятни жонлантириш, ҳудудни ободонлаштириш ишларини ташкил этиш зарурлиги таъкидланди. Шу ерда болалар майдончасининг қурилиш жараёни кўздан кечирилди.

Ўрганишлар доирасида туман сектор раҳбарлари ҳамда “маҳалла еттичилиги” аъзолари учун ўқув-семинар ўтказилди. Ундан кўзланган мақсад – маҳаллалар-

да камбағаллик ва ишсизликни камайтириш, миграциядан қайтганлар билан ишлаш ва жиноятчиликни камайтириш борасидаги билимларини оширишдан иборат.

Республика ишчи гуруҳи Фориш туманида ҳам “маҳалла еттичилиги” аъзолари учун ўқув-амалий семинар ташкил этди. Давлат бошқаруви академияси, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Жиззах вилояти филиали ва Жиззах вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган семинарда сектор раҳбарлари ҳамда маҳалла ходимлари қатнашди.





**Эндиликда йўл объектида қурилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича ҳуқуқбузарлик аниқланишига ЁРДАМЛАШГАН ШАХСЛАР мукофотланади.**



**Айрим шаҳарларда СУВ ТАЪМИНОТИ давлат-хусусий шериклик асосида хусусий секторга берилади.**



**“ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ” АТда моддий ёрдам ва бошқа ижтимоий хизматларнинг ҳисоби юритилади.**

# Ёшлар ишлари агентлигига қўшимча вазифалар юкланди

**“Ёшларни хорижий тилларга ўқитиш тизими самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қароига кўра, Ёшлар ишлари агентлиги зиммасига қўшимча вазифалар юкланди.**

**Нодирбек АБДУҚОДИРОВ, Ёшлар ишлари агентлиги ахборот хизмати раҳбари.**

Жумладан, агентлик эндиликда ёшларни хорижий тилларга ўқитиш жараёнларини такомиллаштириш, талаб юқори бўлган чет тилларини мукамал ўзлаштириш учун шароитларни кенгайтиради.

Хорижий тилларни ўқитиш фаолияти билан шуғулланувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар, ўзини ўзи банд қилган шахслар ҳамда нодавлат таълим ташкилотлари, ушбу йўналишда фаолият юритувчи бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, соҳадаги муаммоларни мунтазам равишда

таҳлил қилиш ва ечими бўйича таклифлар тайёрлашга масъул бўлади.

Хусусий ўқув марказлари рейтингини шакллантиради ҳамда рейтингда юқори ўринни эгаллаганларни рағбатлантиради. Ёшлар орасида касб-хунар ва хорижий тилларни ўрганишни тарғиб қилиб, ижтимоий лойиҳалар, кўрик-танлов ва олимпиадаларни ташкил этади.

2024 йил 1 сентябрдан бошлаб, 2027 йил 1 январга қадар ёшларнинг немис, француз, корей, хитой ва япон тиллари бўйича халқаро имтиҳон тизимларида имтиҳон топшириш харажатлари қоплаб берилиши учун улар томонидан тўплашни лозим бўлган баллнинг (сертификат даражасининг)

минимал кўрсаткичи бир поғона пасайтирилади ҳамда мазкур харажатлар Ёшлар ишлари агентлигига ажратилган маблағлар доирасида қопланади.

2024 йил 1 октябрдан бошлаб, Ёшлар ишлари агентлиги ҳар йили хусусий ўқув марказларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кесимидаги рейтингини тузади ҳамда расмий веб-сайтида эълон қилиб боради. Рейтинг натижаларига кўра олис ва чекка ҳудудларда фаолият кўрсатувчи энг юқори кўрсаткичга эга 100 та хусусий ўқув марказининг таълим жараёнида фойдаланадиган бино ва иншоотлар учун ижара тўлови харажатларининг бир қисми Ёшларга оид давлат сибсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан компенсация қилинади. Олий таълим, фан ва



инновациялар вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда 2025 йил 1 январга қадар инглиз тили, кейинги йилларда бошқа хорижий

тиллар ва замонавий касбларни ўргатиш бўйича дунёнинг етакчи марказлари, олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, уларнинг халқаро

таълим стандартларига мос таълим дастурларини “Ибрат фарзандлари” ва «Устоз» лойиҳаларига таътиб этиш чораларини кўради.

**2024 йил 1 октябрдан, Ёшлар ишлари агентлиги хусусий ўқув марказларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кесимидаги рейтингини тузади.**

## МЕНДА САВОЛ БОР...

**Диляфрўз АЛЛАЁРОВА, Пайариқ туманидаги “Тошқовуз” маҳалласи.**

**– Ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаши ва юритиши учун ташкил этилган Ёшлар саноат зоналари ҳақида маълумот берсангиз. Бу орқали ёшларга қандай ёрдам кўрсатилади?**

## Ёшлар саноат зоналари қандай ёрдам кўрсатади?

**Мумтозбек МЕЛИҚЎЗИЕВ, Ёшлар ишлари агентлиги бош мутахассиси:**

– Президентнинг “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, белгиланган ҳудудларда ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ташкил этилган. Ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаши ва юритиши учун саноат зоналари ҳудудида ишлаб чиқариш майдонлари тақдим этиш орқали уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, саноат ва хизмат кўрсатиш йўналишидаги лойиҳалари, ташаббуслари ва қўялари амалга оширилишида кўмаклашиш ва қўлай шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, “стартлап” ташкил этиш мақсадида бизнес-инкубатор вазифаларини амалга ошириш, ёш тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини барқарор ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш, ёшларга ўз инновацион ишланмаларини ишлаб чиқариш жараёнига жорий этиш ва натижаларини тижоратлаштириш, йирик саноат корхоналари билан кооперация алоқаларини ўрнатish борасида амалий ёрдам кўрсатиш белгиланган.

Қолаверса, банд бўлмаган, шу жумладан, “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни иш билан таъминлаш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Ёшлар саноат зоналари ҳудудидаги бўш бино ва иншоотлар давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун белгиланадиган ижара тўловининг энг кам миқдоридан ошмаган ставкаларида ижарага берилади.



Қарор билан ташкил этилган Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари қуйидагиларга сарфланади:

– ташқи бозорларда талаб юқори бўлган ва импортнинг ўрнини босувчи, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этишга ҳамда хизматлар кўрсатиш соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштиришга;

– мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, сақлаш ва қadoқлаш, тўқимачилик, пойабзал ва чарм-галантереза, кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, электротехника саноати, машинасозлик, замонавий қурилиш материаллари, хунармандчилик ҳамда АКТ соҳаларидаги лойиҳаларни молиялаштириш ва бошқа йўналишларда янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этишга;

– маҳаллий хом ашё ва материаллар негизда мустақам кооперация алоқаларини ўрнатишга ҳамда юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштиришга.

ТАШАББУС



Маҳалла гузариди 50 кишига мўлжалланган “Обод таълим” маркази ишга туширилди.

## “Лойиҳа 70 фоиз ёшлар бандлигини таъминлади”

**Маҳалламиз қўшни Қирғизистон билан ёндош бўлган Фарғона туманининг олис қишлоқларидан бирида жойлашган. Аҳолининг 1 113 нафари 30 ёшгача бўлган ёшлар. Қарийб икки йиллик фаолиятим давомида 250 нафарга яқин йигит-қиз мурожаати ижобий ечим топди.**

**Исломон МУХАММАДЖОНОВ, Фарғона туманидаги “Обод” маҳалласи ёшлар етакчиси.**

2023 йилда ташкил этилган “Йилнинг энг намунали маҳалла ёшлар етакчиси” танловининг “Ёшлар дафтари” тизими асосида самарали иш ташкил этган “Энг намунали маҳалла етакчиси” йўналишида ғолибликни қўлга киритганман. Танловга тақдим этилган лойиҳам маҳаллада ташкил этилган “Обод таълим” марказидир.

Бу лойиҳанинг пайдо бўлишининг ўз тарихи бор. Ёшлар мурожаатини таҳлил қилганимда, улардан замонавий касбларни эгаллаш, ахборот технологияларини ўрганиши ва хорижий тилларни ўрганишига доир 21 та мурожаат келиб тушди. Мурожаатга ижобий ечим топиш мақсадида маҳаллий тадбиркорлар ҳомийлигида маҳалла гузариди 50 кишига мўлжал-

ланган “Обод таълим” маркази ишга туширилди.

Марказда рус ва инглиз тиллари, компьютер саводхонлиги, график дизайн каби тўғрақлар ташкил этилган. Лойиҳа аввалида жами 4 турдаги тўғрақнинг ҳар бир гуруҳига 12 нафардан ёш қамраб олиниши режалаштирилган бўлса, ҳозир илмга қизиққан ёшлар сони 90 нафарга етди. Ўқиб сифатини яхшилаш мақсадида тажрибали устозлар жалб этилган. Лойиҳа орқали маҳалладаги 70 фоиз ёшларнинг бандлиги таъминланган.

Бугунга келиб, мазкур таълим марказида таҳсил олаётган 14 нафар ёшга “Келажак касблари” лойиҳаси доирасида замонавий касбларни эгаллаш, ахборот технологияларини ўрганиши ва хорижий тилларга ўқитиш харажатларини қоплаш учун зарур маблағ ажратилиб, тўлаб берилди.

Ташаббус бугун ўз “мева”сини бермоқда. Марказда бошланғич билимни эгаллаган

Достонбек Алижонов “Келажак касблари” лойиҳаси доирасида инглиз тили курсини тамомлаб, сертификатни қўлга киритди.

Бундан ташқари, маҳалладаги кўмакка муҳтож ва ишсиз ёшлар билан ишлашда алоҳида натижаларга эришяпмиз. Масалан, 23 ёшли Музаффо Раҳимов болаликдан спортга меҳр қўйиб, миллий кураш спорт тури билан мунтазам шуғулланиб келган. Бундан 2 йил олдин кураш тушаётган пайтда қаттиқ йиқилиши оқибатида оёқ-қўллари ишламай қолган.

У билан суҳбатлашиб, қизиқишини ўргандим. Спортга қайтишига кўмаклашимни айтдим. “Ёшлар дафтари”га киритиб, унга барча спорт жиҳозларини олиб бердик. Ҳозирда қаҳрамонимиз пара энгил атлетика спорт тури билан шуғулланади. Бир неча бор Ўзбекистон чемпионатида иштирок этиб, соврилли ўринларни эгаллади.

Нодирахон Ҳамралиева бир вақтлар ҳаммасини йиғиштириб, хорижга кетсам, деган ўйда юрарди. Оилада 4 қиз фарзанднинг энг кичиги, боқувчиси йўқ. Ҳам касал онаси, ҳам касал опасининг ягона боқувчиси бўлгани учун оиланинг бор масъулияти унинг гарданида қолган эди.

Бироқ маҳаллада ўтказилган хатловда уни “Ёшлар дафтари”нинг ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар тоифасига киритдик. Қизиқишига кўра, аёллар сартарошлиги йўналишида хунар ўрганишига имкон яратиш, субсидия асосида зарур жиҳозлар олиб бердик. Қишлоқ марказидан ижара асосида фойдаланиши учун бино ажратдик. Шу тариқа, Нодира 26 ёшида тадбиркор сифатида фаолиятини бошлаб, гўзаллик салони очди. Бугун яна 2 нафар тенгдошининг бандлигини таъминлади.

## БИЛАСИЗМИ?

## ИЖАРАГА ЕР БЕРИЛСА, ИМТИЁЗЛАР САҚЛАНДИМИ?

**“Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига кўра, талабгорларга 30 йил муддатгача кичик лотларда “Бир массив – бир маҳсулот” тамойили асосида фойдаланиш учун ерлар ижарага берилади.**

Жумладан, ёшлар сабзавот, картошка, полиз экинлари, гул, кўкатлар, маккажўхори дони, дуккакли ва мойли экинлар етиштиришга суғориладиган, боғдорчилик-узумчилик йўналишлари учун кўп йиллик дарактзорлар ёки самарасиз боғлар, доривор ўсимликлар етиштириш, чорвачилик йўналишлари учун чорва озуқаси экинларини етиштиришга мўлжалланган, лалми, бўз, яйлов ва янги ўзлаштирилган ер майдонларини ижарага олиши мумкин.

Талабгорларга ажратиладиган ер майдонлари ўлчамлари “маҳалла етилиги” таклифига кўра аниқланади.

**Ер майдонларини электрон онлайн аукцион савдолари орқали ижарага олаётган ёшлар “Темп дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”дан чиқарилмайдми ва улар учун қонунчиликда белгиланган барча имтиёз ва преференциялар сақлаб қолмайдми.**

Талабгорлар ер майдонларида етиштириладиган экин турларини ва улар миқдорининг доимий мониторингинг Ёшлар ишлари агентлигининг “Ёш фермерлар” платформаси орқали амалга оширилади.



**Марказда рус ва инглиз тиллари, компьютер саводхонлиги, график дизайн каби тўғрақлар ташкил этилган.**





Давлат иштирокидаги йирик корхоналарда КОРПОРАТИВ КОТИБИЯТ ташкил этилади.



Маҳаллаларда дастурлар доирасида ажратилган КРЕДИТЛАР МОНИТОРИНГ қилинади.



Дорилар билан боғлиқ потенциал хавф-хатарларни тезкор аниқлашга қаратилган ФАРМАКОЛОГИК НАЗОРАТ тизими ташкил этилади.

# Импорт қилинган товарлар ҚҚС суммаси қандай ҳисобга олинади?

Солиқ органлари ахборот тизимлари Божхона органлари маълумотлари билан интеграция қилинган бўлиб, товарлар импорт қилинганда тўланган қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) суммаси автоматик равишда ҳисобга олинади.

Ўткир БЎТАЕВ,  
Солиқ қўмитаси бўлим бошлиғи.

Солиқ тўловчи ҳақиқатда олиб кирилган (импорт) товар (хизмат)лар учун бюджетга тўланган ҚҚС суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатда товарлар импорти учун кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўланган ҚҚС суммаси тўлов амалга оширилган давр бўйича автоматик равишда ҳисобга олинади.

Импорт қилинган товарлар учун ҚҚСни кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш кейинги йилда амалга оширилса, солиқ суммаси [my3.soliq.uz](http://my3.soliq.uz) портали орқали ҳисобга олинади.

Мисол учун, қўшма корхона шаклидаги масулияти чекланган

жамиятнинг 27 июнь куни билан расмийлаштирилган импорт божхона режими (ИМ 40)даги божхона юк декларациясини қўшилган қиймат солиғи ҳисоботида шаклланишини кўрадиган бўлса, тадбиркорлик субъекти 67016 рақам билан расмийлаштирилган декларацияси солиқ ҳисоботининг 4-иловасида автоматик тарзда шаклланишига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Бугунги кунда айрим тадбиркорлик субъектлари ушбу амалиёт моҳиятини тўлиқ тушуниб етмаган ҳолда нотўғри талқин қилиб, асоссиз салбий ахборот тарқалишига сабаб бўлмоқда.

Масалан, бир тадбиркорлик субъекти ўз эътирозиди 2024 йил 16 январда расмийлаштирган 2639-сон

божхона юк декларациясининг қўшилган қиймат солиғи ҳисоботида шаклланишини билдирган. Ушбу божхона юк декларациясининг расмийлаштириш тарихини кўрадиган бўлса, дастлаб 16 январь куни ушбу ҳужжат НД 40 режимида, яъни Божхона кодексининг 269-моддасига мувофиқ, тўлиқ бўлмаган божхона юк декларацияси режимида расмийлаштирилган. Кейинчалик 24 май куни ушбу ҳужжат талаблари жамият, яъни декларант томонидан тўлиқ бартараф этилганидан сўнг тўлиқ бўлмаган декларация НД 40 режимида импорт, яъни ИМ 40 режимида ўтказилган. Натижада ушбу божхона юк декларацияси жамиятнинг 2024 йил январь ойи ҳисоботида импорт режимида ўтқандан сўнг шаклланиган. Ушбу ҳолатда солиқ тўловчи январь ойи учун аниқлаштирилган солиқ ҳисоботида тақдим этиш орқали импортда тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олиш мумкин.



Бугунги кунда айрим тадбиркорлик субъектлари ушбу амалиёт моҳиятини тўлиқ тушуниб етмаган ҳолда нотўғри талқин қилиб, асоссиз салбий ахборот тарқалишига сабаб бўлмоқда.

## МЕНДА САВОЛ БОР...

Бозор НУРИДДИНОВ,  
Хоразм вилояти.

– Маҳсулотларимизни ҳамкорларга темир йўл орқали етказиб берамиз. Бунинг учун электрон товар-транспорт юк хатини расмийлаштириш шартми?

## Юк хатини расмийлаштириш шартми?

Музаффар НАЗАРОВ,  
Солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари:

– 2024 йил 1 июлдан барча ҳўжалик юритувчи субъектлар товар-транспорт юк хатларини электрон шаклда расмийлаштириши лозим.

Тадбиркорлар юк ташишни нафақат автотранспорт воситаси, балки темир йўл орқали амалга оширганда ҳам товар-транспорт юк хатини электрон шаклда расмийлаштириши лозим. Электрон товар-транспорт юк хати тизимида бундай имконият яратилган.

Солиқ қўмитаси барча ҳўжалик субъектларини юкларни автотранспорт воситалари ёки темир йўл орқали ташишда “Электрон товар-транспорт юк хати тизими”дан фойдаланишга чақиради.

Юк ташиш иштирокчилари таклифларидан келиб чиқиб, тизим оптималлаштириб борилади.

Мақсад – ҳўжалик юритувчи субъектларда кўникмаларни шакллантириш ҳамда тизимдан фойдаланиш бўйича кулайликларни биргаликда яратиш.



СОЛИҚЧИ – ҚўМАКЧИ

# “Аввал эшик қоқиб борсак, хушламас эди”

Солиқ хизмати ходимлари меҳнат фаолиятининг самарадорлиги тизимининг рақамлаштирилишига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ.

Шоҳруҳбек МУСАЕВ,  
Шаҳрихон туманидаги “Андажон”, “Янги турмуш” ва “Шокирбой” маҳаллалари солиқ инспектори.

Солиқ соҳасида иш бошлаганимга 10 йилдан ортди. Ҳозирда Шаҳрихон туманидаги “Андажон”, “Янги турмуш” ва “Шокирбой” маҳаллаларида солиқ инспектори бўлиб ишлаяпман.

Солиқ инспекторларининг маҳалла даражасига тушиб ишлаётган дастлабки даврларига қараганда бугун аҳолининг соҳа фаолиятига бўлган қарашлари ижобий томонга ўзгарди. Авваллари, уйма-уй юриб, қарздорликларни бартараф этсак ёки тўловларни ўз вақтида тўлаш кераклиги ҳақида огоҳлантирсак, у қадар хушлашмас эди. Эндиликда

“маҳаллабай” фаолият самарадорлигини чуқур ҳис қилиб, аксинча, фуқаролар учун ҳам фойдали эканлиги, юзага келиши мумкин бўлган қарздорлик ёки фаолиятини қонунийлаштиришга доир ортқича сарсонгарчиликларнинг олди олинаётганидан улар ҳам миннатдор.

Бугун мен фаолият юритаётган маҳаллаларда 1 613 та жисмоний шахс, 19 та юридик шахс, 4 та фермер ҳўжалиги, 84 та якка тартибдаги тадбиркор ва 121 та декларация солиқ тўловчилари бор. 21 та тадбиркорлик субъекти товар айланмасини оширгани ҳисобига товар айланма ҳажми 52,4 млн. сўмга ошди. Шу билан бирга, маҳаллалар ҳудудидидаги молиявий қийинчиликлар туфайли фаолиятини тўхтатган 11 та тадбиркорлик субъекти фаолияти тикланди. Маҳаллалар ҳудудидида ноқонуний фаолият юритаётган 23 та тадбиркор ўз фаолиятини давлат

рўйхатидан ўтказди. Шунингдек, 60 та деҳқон ҳўжалиги ташкил этилди.

“Маҳалла еттилиги”нинг биргаликдаги самарадорлигидан яна бири шундан иборатки, бўш юрган 431 нафар фуқаронинг бандлигини таъминлашга кўмаклашилди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, маҳалла ҳудудидида январь-июнь ойларида аниқланган қўшимча маблағлар ҳисобидан давлат бюджетига 360,1 млн. сўм тушум бўлди. Ана шу маблағнинг 10 фоизи, яъни 36 млн. сўми маҳалла бюджетига қолдирилди. Албатта, ушбу маблағлар маҳалланинг эҳтиёжларига – муҳтож оилаларга кўмак бериш, ҳудудни ободонлаштириш ва бошқа шў каби эҳтиёжлар учун сарфланиши мумкин.

Айни пайтда самарадорлик кўрсаткичи бали 90 ва ундан юқори бўлган солиқ инспекторларининг меҳнатларини рабатлантириш мақсадида уларга

тўплаган балига кўра, мукофот пуллари кўшиб берилмоқда. Масалан, июнь ойи якунига кўра, 100 фоизлик самарадорлик кўрсаткичи қайд этиб, вилоятда энг юқори натижани кўрсатдим. Бундай натижага эришиш учун барча йўналишларни бирдек олиб бориш билан бирга, айланмадан олинмаган солиқларни йиғишга кўпроқ урғу бергани бўлди.

Солиқ хизмати ходимлари меҳнат фаолиятининг самарадорлиги тизимининг рақамлаштирилишига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Сабаби, ҳудудда кимнинг қанча қарздорлиги борлиғи, кимнингдир меҳнат фаолиятини қонунийлаштириш ортқича овозгарчилик ва қоғозбозликсиз, биргина илова ёки дастур ёрдамида амалга оширилмоқда. Шундай экан, натижаларимиз бундан-да яхшиланиши учун ҳаракат қилишда давом этаверамиз.



Эслатиб ўтамиз, ходимлар сонини яшириш — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдориди жарима солиғига сабаб бўлади.

# Ходимлар сонини яширманг, жарима тўлайсиз

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг жамият ва давлат тараққиётидаги ҳиссаси ортиб бормоқда. Энг асосийси, улар фуқароларни иш билан таъминлаб, оилалар фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўймоқда.

Баҳодир ФАЙЗИЕВ,  
Бухоро вилояти солиқ бошқармаси Матбуот хизмати раҳбари.

Лекин амалдаги қонунчиликка зид равишда фуқароларни расман рўйхатдан ўтказмасдан ишлаётган айрим тадбиркорлар ҳам йўқ эмас. Бундай ҳолда норасмий равишда ишлаётган

фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилиб, келажакда пенсия таъминоти кафолатсиз қолмоқда.

Яқинда солиқ хизмати ходимлари томонидан Шофиркон туманидаги “Д” савдо мажмуасида (корхона номи шартли равишда ўзгартирилган) 5 нафар ходим номигагина расмийлаштирилиб, 28 нафар фуқаронинг норасмий фаолият юритаётгани аниқланди ва ушбу ҳолат юзасидан белгиланган тартибда

маъмурий баённомалар расмийлаштирилди.

Эслатиб ўтамиз, ходимлар сонини яшириш — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдориди жарима солиғига сабаб бўлади.

Ҳудди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдориди жарима тўлайди.



**Онкологик, гематологик ва иммунологик касалликларга чалинган 18 ёшдан 21 ёшгача бўлган (21 ёш ҳам қиради) беморлар БЕПУЛ ДАВОЛАНАДИ.**



**Қишлоқ ҳудудларда хорижий тилларни ўқитиш фаолиятини ташкил этиш учун СУБСИДИЯ АЖРАТИШГА старт берилди.**



**Маданиятшунослик ва номоддий маданий мерос ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ фаолияти йўлга қўйилади.**

СУД ҲУҚМИ

# Телефонни ўғрилаб, айбини тан олмайди-я...

Жабрдўнда Чилонзор тумани ички ишлар идорасига мурожаат қилди. Бу вақтда ҳамтовоклар учрашиб, қилган ишларидан мамнун ҳолда 3 миллионлик телефонни 600 минг сўмга сотишга улгуришганди.

**Нилуфар ИСОХОНОВА,**  
Тошкент шаҳар ИИББ  
Ахборот хизмати бошлиғи.

Абубакир бир эмас, беш мартаба суднинг “қора курси”сида ўтириб, қилмишлари учун хавфли рецидивист деб топилган. Охириги жинояти учун 1 йил синов муддати белгиланган. Аммо “Букрини гўр тўғирлайди”, деганидек, шунча яратилган имкониятлар, берилган энгилликлардан тегишли ҳулоса чиқармади. Хали синов муддати тугамай, яна жиноятга қўл урди. Абубакир ўзига ўхшаган бекорчи ва ишқмас,

илгари судланган Жавоҳир, Жаҳонгир ва Нажмиддинлар билан ўзаро тил бириктириб, Чилонзор туманида жойлашган истироҳат боғига хордиқ чиқариш учун эмас, хордиқ чиқараётганларни тунаш учун боришади. Айлана-айлана соат 22:30 ларда Холбек исмли шахннинг қўлидаги уч миллион сўмлик уяли телефонни кўриб, ундан кўнгирак қилиш учун бир дақиқага бериб туришини сўрайди. Холбекнинг телефонини олиб, сўзлашиб бўлгач, эгасига қайтариш ўрнига телефонни ҳамтовогои Жаҳонгирга узатади. У, ўз навбатида, ўлжани олиб қочи кетади. Холбек ортидан қувгани билан одамлар орасида уни йўқотиб қўяди. Ортига қайтганда Абубакир ҳам жуфтани ростлаган эди.

Жабрдўнда Чилонзор тумани ички ишлар идорасига мурожаат қилди. Бу вақтда ҳамтовоклар учрашиб, қилган ишларидан мамнун ҳолда 3 миллионлик телефонни 600 минг сўмга сотишга улгуришганди.

– Тергов жараёнида Абубакир айбини тан олмай, ҳатто шерикларини танимаслигига ишонтирмақ-

чи бўлди, – дейди Чилонзор тумани ИИО ФМБ Тергов бўлими терговчиси, майор Камолддин Нарзиев. – Уша куни у умуман истироҳат боғига бормагани, таниши фалончиликда туниш ўтказганини, бировнинг телефонига зор эмаслигини айтиб, оёқ тираб туриб олди. Шериклари ҳамда жабрланувчи билан юзлаштирилганда юзларига тик қараб, “танимайман, биринчи кўришим” дейишдан ҳамтовоклари ҳам лол қолди.

Бироқ ўтказилган тергов ҳаракатлари жараёнида унинг айби далиллар билан тўлиқ исботланди ва жиноят иши айблов ҳулосаси билан судга юборилди. Жиноят ишлари бўйича Чилонзор тумани судида Абубакирнинг ваз-қарсонлари ўтмади. Суд жиноятнинг барча иштирокчилари қилмишини қонуний баҳолаб жазо тайинлади. Жавоҳирга уч йилу бир ой, Нажмиддинга икки йилу саккиз ой, воғга етмаганига қарамай, муқаддам жиноят содир этишга улгуриб, судланган ва яна жиноятга қўл урган Жаҳонгирга икки йил, жиноятчиликнинг ҳадисини олган Абубакирга уч йилу беш ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди.



Уша куни у умуман истироҳат боғига бормагани, таниши фалончиликда туниш ўтказганини, бировнинг телефонига зор эмаслигини айтиб, оёқ тираб туриб олди. Шериклари ҳамда жабрланувчи билан юзлаштирилганда юзларига тик қараб, “танимайман, биринчи кўришим” дейишдан ҳамтовоклари ҳам лол қолди.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

## “Инспекторнинг судга боришини чеклаш зарур”

Яширмайман, ўзининг фаолиятимда ҳам фуқароларнинг эътиборсизлиги сабаб ана шундай оддий ўғриликлар ортидан “жиноятчилик қайд этилган маҳалла” рўйхатига тушиб қоляпмиз.



“Маҳалла еттилиги” ҳамкорлигида ҳар бир хонадонга кириб, “Ўз ўйинини ўзинг асра!” мазмунда профилактик-тушунтириш ишларини олиб бораёмиз. Ҳар бир муаммони биргаликда ҳал этишимиз.

**Жасур НУРМУРОДОВ,**  
Оқдарё туманидаги  
“Тараққиёт” маҳалласи  
профилактика инспектори.

“Тараққиёт” маҳалласи Самарқанд шаҳрига яқин, Қорасув шаҳарчаси ёнида, Қорадарё қирғоқларида жойлашган. Худудимиздан М-37 – “Тошкент–Хоразм” ҳамда Имом ал-Бухорий зиёратгоҳига борувчи катта автомобиль йўллари ўтган.

Кулай инфратузилмага эга маҳалла “драйвери” хизмат кўрсатиш соҳаси ва ишлаб чиқариш корхоналаридан иборат. Асосан, намунали уйлардан ташкил топган маҳалла худудида вақтинча яшовчилар кўп. Қолаверса, дала ҳовли ва дам олиш ҳудудлари бўлгани учун кунига 400-500 нафар одам келиб кетади.

Истаъимизми-йўқми, бундай ҳолатлар маҳаллани жиноятчиликдан холи худудга

айлантиришга ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, айрим хонадон эгалари ўз уйларида яшмай, ижарага одам қўйишади. Улар билан профилактик суҳбатлар куриб, вақтинча яшаш учун рўйхатга олганингиздан кўп вақт ўтмай, унинг ўрнига янгиси келади. Ёки қаровсиз қолдирилган қурилиш ва қишлоқ хўжалиги техникаларини серкатнов йўлда ҳаракатланётган айрим қўли эгри инсонлар ўғрилаб кетиши билан давомида қилган меҳнатингизни йўққа чиқариб, “яшил” тоифадан “қизил” тоифага тушириб қўйиши мумкин.

Яширишининг ҳождати йўқ, фаолиятимда фуқароларнинг эътиборсизлиги сабаб ана шундай оддий ўғриликлар ортидан “жиноятчилик қайд этилган маҳалла” рўйхатига тушиб қоляпмиз. Шу боис жиноят содир этилиши мумкин бўлган қременогои вазияти оғир бўлган нуқталарга инсон юзидан, автотранспортларнинг давлат рақамидан аниқлайдиган 40 тадан ортиқ кузатув

камераси ўрнатдик. Шунинг 4 таси Самарқанд шаҳридаги “Ситуацион-тахлилий маркази”га уланган. Албатта, кузатув камераларининг самараси катта бўляпти. Айнан ушбу қурилмалар ёрдамида бир қатор жиноятлар очикланди.

Шунингдек, “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигида ҳар бир хонадонга кириб, “Ўз ўйинини ўзинг асра!” мазмунда профилактик-тушунтириш ишларини олиб бораёмиз. Ҳар бир муаммони биргаликда ҳал этишимиз.

Бироқ ахборот технологиялари ривожланган бугунги замонда ҳуқуқбузарликлар ҳақида онлайн ҳужжат тақдим этиш билан бирга, ҳужжатнинг қоғоз шаклини кўтариб, илтимос қилиб ҳуқуқбузар одамларни судга олиб бораёмиз. Биргина мастликни аниқлаш учун қўшни туман ёки вилоят марказига 30-35 километр йўл босиб боришга тўри келяпти.

Ана шундай ортиқча ҳаракатлар сабаб баъзан ўз вазифаларимизни вақтида бажаришга улгурмай қоляпмиз. Жазо муқаррарлигини таъминлашга анча вақт сарфланмоқда. Шу боис ҳар бир ташкилот фаолиятини профилактика инспекторларининг хизмат планшетларига интеграция қилинишини тезлаштириш зарур.

Айниқса, профилактика инспекторларининг оддий маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича судга боришини чеклаш лозим. Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларида, профилактика инспекторларини фуқароларнинг мастлигини аниқлайдиган алкотестер қурилмалари билан таъминлаш керак. Туман марказларида “хушёрхоналар” ташкил этиш лозим. Шунингдек, ҳар бир маҳаллада ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича икки смелали ишни ташкил этиш тизимини ҳамда “хавфсиз маҳалла” тамойили асосида маҳаллаларнинг ўзида ситуацион-тахлилий марказлари фаолиятини йўлга қўйиш зарур.

БИЛАСИЗМИ?

## Кимлар давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга?

“Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонунга кўра, қуйидаги жисмоний шахслар давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга:

1. Кам таъминланган шахслар, агар улар:
  - фуқаролик ишлари бўйича даъвогарлар ёки жавобгарлар;
  - маъмурий ишлар бўйича аризачилар;
  - маъмурий қамоқ тарзидаги маъмурий жазо назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар;
  - жиноят ишлари бўйича гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчилар, шунингдек, маҳкумлар бўлса;
2. Рухий ҳолати бузилган жисмоний шахслар, уларга “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги қонунга мувофиқ психиатрия ёрдами кўрсатилаётганда;
  - ўз ҳуқуқлари бузилган, “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда назарда тутилган хотин-қизлар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлиги бузилганлиги муносабати билан судга мурожаат қилган жисмоний шахслар;
3. Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ жиноят иши бўйича адвокат иштирок этиши шарт бўлган тақдирда, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи.

ФАОЛ БЎЛИНГ!

# Кибержиноят: 95 фоиз ҳолатда жабрланувчи айбдор

**Саидқамол СОДИҚОВ,**  
ИИБ Тезкор-қидирув департаменти  
Киберхавфсизлик маркази  
бошлиғи ўринбосари.

Тахлилларга кўра, кибержиноятларнинг 95 фоизи беvosита жабрланган шахннинг ҳатоси билан, яъни ўзининг шахсига доир ва банк картаси маълумотларини бегона шахсларга тақдим этиши оқибатида содир этилаётганини кўрсатмоқда.

Шунингдек, замонавий технологияларни қўллаш орқали хориждан туриб кибержиноятлар содир этилиши кузатишмоқда. Жумладан, фуқароларга яқин қариндошлари номидан “сохта кўнгирак” қилиб, пул юборишига эришиш, вирусли дастурлар ёрдамида мобил қурилманинг бошқарувини қўлга киритиш, сунъий интеллект ёрдамида тасвирларни сохталаштириш, мулкрий зарар етказиш қабили.

Чўқур тахлиллар ва илғор хорижий тажриба

аҳолининг рақамли саводхонлиги ва кибермаданиятини ошириш кибержиноятларни барвақт олдини олишда ижобий самара беришини кўрсатмоқда. Шу мақсадда жорий йил 1 июлдан бошлаб, бир ой давомида республиканинг барча вилоятларида аҳолида “рақамли иммунитет”ни шакллантиришга қаратилган “Кибермаданиятни юксалтириш” тарғибот ойлтигига старт берилди.

Тарғибот тадбирлари бошқалардан фарқли равишда, “маҳаллабай”, “хонадонбай” ва “фуқаробай” тарзда аҳолининг ҳар бир қатлами ўртасида индивидуал ёндашув асосида олиб борилиши белгиланган. Бу жараёнда корхона, ташкилот, таълим муассасаларида, шунингдек, бозорлар, савдо комплекслари ва жамоат жойларида ҳамда Интернет, ижтимоий тармоқларда, ОАВларида ташвиқот ишларини олиб борилиши натижасида аҳолиимизни тўлиқ қамраб олиниши режалаштирилган.

Кибержиноятларга қарши курашини тарғиб қилувчи ҳамда кибержиноятлардан оғохликка чорловчи 23 хил турдаги танловлар инновацион

ёндашув асосида ўтказилади. Жумладан:

- кибергиуенани шакллантириш бўйича “Энг яхши контент” танлови;
  - хориждаги меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларини кибертаҳдидлардан ҳимоялаш мақсадида “Олисдаги яқинларим, оғох бўлинг!” номи видеоконтентлар танловлари ташкил этилади.
- Бу каби танловларда аҳолининг барча қатлами иштирок этиши мумкин. Танлов жараёнида шифофлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир босқич махсус дастурлар орқали баҳолаб борилади. Тарғибот ойлтиги 31 июлга қадар давом этиб, унда фаол қатнашган иштирокчиларни рағбатлантириш назарда тутилган.
- Таъкидлаш керакки, нафақат мазкур тарғибот ойлтиги давомида, балки доимий равишда ўзимизни, оила аъзоларимизни, яқинларимизни ҳамда бутун халқимизни кибермақондаги хатарлардан ҳимоялаш учун масул эканлигимизни англашимиз, бунинг учун биргаликда ҳаракат қилишимиз лозим!



Тарғибот тадбирлари бошқалардан фарқли равишда, “маҳаллабай”, “хонадонбай” ва “фуқаробай” тарзда аҳолининг ҳар бир қатлами ўртасида индивидуал ёндашув асосида олиб борилиши белгиланган.



«Мен Ўзбекистонликман – қонимда ғалаба» шиори остида спортчилар учун МАХСУС ВИДЕО суратга олинди.



Энди янги ҳайдовчилик гувоҳномасини Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ОНЛАЙН РАСМИЙЛАШТИРИШ мумкин.



Ўзбек киножодкорлари томонидан МАХТУМҚУЛИ ҲАҚИДА ФИЛЬМ суратга олинмоқда.

МАҚСАД САРИ



МАНЗАРА

# Мақсад, шижоат бор, аммо иш ўрни топиш қийин

Бир инсоннинг юзидаги қувончига сабабчи бўлишнинг гашти бошқача-да. Қўлини кўксига қўйиб раҳмат айтганда, қилаётган ишимнинг нақадар савобли эканини қайта ва қайта англаб етман.

**Жаҳонгир САМАДОВ,** Қарши туманидаги “Хонабод” ва “Янги Хонабод” маҳаллалари ижтимоий ходими.

Ҳар сафар хонадонларга кирганда, эҳтиёжманд, ногиронлиги бўлган фуқаролар билан суҳбатлашиб, уларга кўпроқ ёрдам бергим келади. Соғлом инсонлар қатори яшашини, қалбида кемтик бўлмаслигини истайман. Имкони борича муаммосини тезроқ ва кўнгилдагидек ҳал қилиб беришга ҳаракат қиламан. ...Тоштемир Жўраев автохалокат туфайли тушакка миҳланиб қолади. Яшашга иштиёқи сўниб, ҳеч нарсага қизиқмай қўяди. 2022 йилда электрон юритмали арава олгач, қарашлари бутунлай ўзгарди. Кўчаларни сайр қилиб, одамлар билан қайта мулоқотга киришишни бошлади. Лекин 2024 йил 14 июнь кuni қувватлагичга қўйилган арава қисқа туташув сабабли ёниб кетади. Фуқаро бизга ёрдам сўраб мурожаат қилди. Патранаж ҳамшира билан ҳолатни ўрганиш ҳамда 3 кун ичида янги электрон юритмали арава билан таъминлади. Тоштемир ака қувончи ва эркинлиги қайтганидан

жуда хурсанд. Бир инсоннинг юзидаги қувончига сабабчи бўлишнинг гашти бошқача-да. Қўлини кўксига қўйиб раҳмат айтганда, қилаётган ишимнинг нақадар савобли эканини қайта ва қайта англаб етман. 1985 йилда туғилган 2-гурӯх ногирони Равшан Хурсанов автохалокат сабабли ҳаракатланишда бироз қийналарди. Шу кунга қадар ногиронлик нафақасига яшаб келаётган эди. Уйма-уй юриш жараёнида бизга ишлаш истаги борлигини билдирди. Хужжатларини “vacancy.uz” платформасига жойладик. Суҳбатдан ўтгач, давлат ташилотидида қоровул сифатида иш бошлади. Даромад топа бошлагани, жамият учун фойдаси тегаётганидан жуда миннатдор. Шу ўринда бир таклифни илгари сурмоқчи эдим. Айни вақтда ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаш учун уларга мос ўринларни қидиряпмиз. Истардимки, шундай онлайн платформа ташкил этилсаки, барча ҳудудлар ишлаш истагидаги ногиронлиги бўлган фуқаролар ҳақидаги маълумотларни ўша ерга жойласа. Корхона ва ташилотлар

*Шу ўринда бир таклифни илгари сурмоқчи эдим. Айни вақтда ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаш учун уларга мос ўринларни қидиряпмиз. Истардимки, шундай онлайн платформа ташкил этилсаки, барча ҳудудлар ишлаш истагидаги ногиронлиги бўлган фуқаролар ҳақидаги маълумотларни ўша ерга жойласа. Корхона ва ташилотлар*

ўзига керакли мутахассисни чақириб, иш билан таъминласа мақсадга мувофиқ бўларди. Айни вақтда ҳудудимизда ногиронлиги бўлган фуқароларнинг 10 нафари ишлаш истагини билдирган. Тўғри, айримлари ҳаракатларишда қийналади, лекин қалбидаги шижоат ва меҳнат қилишга бўлган иштиёқ жуда баланд. “Мен элпайман, қандай юмуш бўлса ҳам уддасидан чиқаман”, дейди ҳар сафар кўришганимизда. Аммо кўпгина иш берувчилар имконияти чекланган ходим олишни истамапти. Уйлашимча, руҳияти баланд, мақсадлари қатъий бу инсонлар билдирилган ишончини ортияи билан оқлайди. Одамлар тобора ижтимоий ходимнинг вазифалари, ўзларининг ҳуқуқ ва имтиёзлари ҳақида тўлиқроқ тушунча эга бўлиб боришмоқда. Айримлар иш вақти тугагандан кейин ҳам уйимнинг эшигини қоқиб келишади. Турли масалаларда ёрдам ва маслаҳат сўрайди. Эринмай ҳаммасини бирма-бир тушунтираман. Зеро, биргина қилинган хайрли иш кейинги хайрли амалларга рағбат беради.

## Парашахмат бўйича шогирдлар тайёрлашти

Бухоро вилоятида погиронлиги бўлган шахслар бандлигини таъминлаш, уларнинг даромад манбаига эга бўлишлари, жамият ҳаётида фаол иштирок этишларига кўмаклашнинг мақсадида тизимли ишлар олиб боришмоқда.

К уни кеча Бухоро шаҳридаги 1-сон Болалар ва ўсмирлар спорт мактабидида спортнинг парашахмат тури бўйича тренер лавозимига ишга кириш учун ариза топширган номзодлар билан суҳбат ўтказилди. Суҳбат давомида уларнинг соҳа бўйича малака ва тажрибага эга эканлиги, болалар билан ишлаш олиш кўникмасига эътибор қаратилди. Ариза топширганлар орасида эшитиш ва гапиришида нуқсонли бўлган Ҳожиакбар Саидмуродов саволларга яхши жавоб бериб, қолаверса, спорт бўйича ютуқларга эгалиги билан ажралиб турди. Якуний натижаларга кўра, 25 ёшли Ҳожиакбар болалар ва ўсмирлар спорт мактабига ишга қабул қилинди. Эндиликда, у парашахмат спорт тури бўйича ёш спортчиларга дарс берапти.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Бухоро вилояти бошқармаси матбуот хизмати.



ИЖТИМОЙ ХОДИМ

## Эътибор ва кўмак билан мақсадига эришди

**Элдор МАХМУДОВ,** Зарафшон шаҳар «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази раҳбари.

Кўнгли кемтик, аммо метин ирода соҳиблари вақтни ғанимат билиб ундан оқилона фойдаланишга одатланган. Уларнинг интилишлари муносиб қўллаб-қувватланмоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ногиронлиги бўлган шахсларга манзилли ёрдам кўрсатиш ҳамда уларни касб-ҳунарга ўқитиш, бандлигини таъминлашда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ва маҳалладаги ижтимоий ходимлар яқин кўмакчига айланган. Биргина Зарафшон шаҳрида «Инсон» маркази ёрдами билан 11 нафар ногиронлиги бўлган шахс давлат идораларида ўз иш фаолиятини бошлади. Жонибек Нарзиев кўп йиллардан буён маҳаллада пойабзал таъмирлаш устaxonасида фаолият олиб борган. «Инсон» ижтимоий хизматлар марказига мурожаат қилганидан сўнг, унинг қизиқишлари ва қобилияти инобатга олиниб, Зарафшон шаҳар Фавқулодда вазиятлар бўлимига диспетчер лавозимига ишга жойлаштирилди. Яна бир фуқаро Собир Тўлаев “vacancy.uz” платформаси орқали эълон қилинган бўш иш ўринларига хужжатларни топширди. Хозирда у Зарафшон шаҳар спорт мактабидида электр устаси лавозимиди

ўз фаолиятини бошлади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши ва даромадга эга бўлишида муҳим қадам бўлаётир. Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз ҳамда ёлғиз яшовчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳаммаша халқимиз эъзоз ва эътиборида яшайди. Марказ ходимлари 53 нафар ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз ҳамда ёлғиз яшайдиган кекса ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатини шакллантирган бўлиб, турли кўринишдаги ёрдамлар кўрсатишмоқда. Уларга 7 нафар ижтимоий ходим ассистентлари хизмат қилиб келмоқда. Эндиликда имтиёзли тоифага кирмайдиган, лекин “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари хизматларидан фойдаланиш истагида бўлган фуқаролар учун шартнома асосида пуллик хизматлар кўрсатиш тартиби белгиланди. Пуллик хизматлардан фойдаланиш учун ўз туманингиздаги «Инсон» ижтимоий хизматлар марказига мурожаат қилишингиз мумкин. Агар фуқароларнинг яшаш шароити яхшиланса, эҳтиёжманд оилалар сони тобора камайса, маҳалла ижтимоий ходимининг қилаётган иши яқин кўринида. Зеро, бугунги давлат сиёсатининг бош мезони ҳам шундан иборат.



«Инсон» ижтимоий хизматлар марказига мурожаат қилганидан сўнг, унинг қизиқишлари ва қобилияти инобатга олиниб, Зарафшон шаҳар Фавқулодда вазиятлар бўлимига диспетчер лавозимига ишга жойлаштирилди.

ЭЪЛОН

## “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг Тошкент шаҳридаги 12 та туман бўлинмалари тугатилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорнинг 3-бандида “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бўлими ва туман (шаҳар) бўлинмаларининг штат бирликлари қисқартирилиб, Уюшма ва унинг ҳудудий бўлинмаларига ўтказилаётгани юзасидан “Маҳалла” фонди Васийлик Кенгашининг баёни ҳамда “Маҳалла” фонди республика бошқарувининг 2024 йил 13 февралдаги 22 сонли қарорига асосан, “Маҳалла” фондининг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари тугатилиши белгиланди. Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан фондининг Тошкент шаҳридаги барча туман бўлинмалари 2024 йил 1 апрелдан тугатиш жараёнида экани тўғрисида юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига ёзув киритилди. “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг Тошкент шаҳридаги қуйидаги 12 та туман бўлинмалари тугатилмоқда:

- Бектемир тумани бўлинмаси
- Миробод тумани бўлинмаси
- Мирзо Улуғбек тумани бўлинмаси
- Олмасор тумани бўлинмаси
- Сергели тумани бўлинмаси
- Учтепа тумани бўлинмаси
- Чилонзор тумани бўлинмаси
- Шайхонтоҳур тумани бўлинмаси
- Юнусобод тумани бўлинмаси
- Яққасарой тумани бўлинмаси
- Яшнобод тумани бўлинмаси
- Янгиҳаёт тумани бўлинмаси.



Ўзбекистон спорт делегациясини "Париж-2024" Олимпиадасига тантанали КУЗАТИШ МАРОСИМИ бўлиб ўтди.



Абдумалик Ҳалаков ва Зайнаб Дайибекова Олимпиадада ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҚДОРЛАРИ бўлишади.



Ўзбекистонлик спортчилар Олимпиаданing олтин медали учун 200 минг, кумуш учун 100 минг, бронза учун 50 минг АҚШ доллари МУКОФОТ ПУЛИ олади.

МАНЗАРА

ЖАРАЁН

# Аёл ҳунарли бўлса, ҳаётда адашмайди



Наргизахон Шодиева маҳалла тавсияси билан 100 миллион сўм кредит олиб, хусусий боғча ташкил этди. Ҳозир 30 нафар тарбияланувчиси бор. 5 нафар аёлнинг доимий бандлигини таъминлаган.



# Хорижда сайёр қабул ўтказилди

А йни кунларда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси бошчилигидаги масъул ташкилотлардан иборат Ўзбекистон Республикаси делегацияси Санкт-Петербургда бўлиб турибди.

Ташрифнинг биринчи кунинда Ўзбекистоннинг Санкт-Петербургдаги Бош консуллик биносидан мутасаддилар иштирокида хорижий мамлакатларда турли сабаблар туфайли оғир вазиятга тушиб қолаётган ўзбек аёлларига ҳар томонлама кўмак кўрсатиш мақсадида сайёр қабул ўтказилди. Қабул давомида ватандош хотин-қизларнинг муурожаатлари тингланиб, айримлари жойида ҳал этилди ҳамда муҳлат талаб этиладиганларига тегишли кўрсатмалар берилди. Куннинг иккинчи қисмида делегация шаҳардаги Меҳрибонлик уйи маъмурияти билан учрашиб, айни пайтда муассасада бўлиб турган ёш ватандошларни юртимизга олиб кетиш масалалари хусусида мулоқот олиб борилди. Шунингдек, сайёр қабуллар давомида хориждаги ватандошлар тузган жамоат бирлашмаларининг раҳбар ва фаоллари билан учрашув ташкил этилиб, уларнинг таклифлари ўрганилди.

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси матбуот хизмати.

АНГИЛИК

# Қизлар учун ижтимоий уйлар қурилади



Ўзбекистонда эндиликда оғир шароитга тушиб қолган уй-жойга муҳтож қизлар учун 1 хонали ижтимоий уйлар қурилади. Бу ҳақда Президент Шавкат Мирзиёев ёшлар сиёсатига бағишланган видеоселектор йиғилиши ҳамда ёшлар билан мулоқот жараёнида маълум қилди.

Унда давлат раҳбари бундан кейин қизларнинг таълим олиши, даромад топиши, шароитларини яхшилаш борасидаги ишлар давом эттирилишини таъкидлади. Жумладан, оғир шароитга тушиб қолган уй-жойга муҳтож қизлар учун 1 хонали ижтимоий уйлар қурилади. Улар ишга жойлашиб, оёққа туриб олгунга қадар, ушбу уйларда 3 йил давомида бепул яшаш мумкин бўлади.

Бу борада Президент ҳудудлардаги ҳокимларга ижтимоий уйларнинг намунавий лойиҳасини тайёрлаб, қурилиши бошлаш вазифасини топширди.

Шунингдек, соғлиғи сабаб ишга қатнай олмайдиган қизларнинг яшаб турган хонадонидан масофавий иш билан таъминлаш чоралари қурилади. Бундан ташқари, уч ёшгача фарзанди бор талаба-қизларга масофавий таълим олиш имконияти яратилади.

Хар бир оиланинг ўз муаммоси бор. Кимдир ўзаро келишмовчиликлардан азият чекса, бошқа биров моддий ёрдамга муҳтож. Қолаверса, бугун тадбиркорлик қилиб, ўз бизнесини очиб истаганидагилар сони анча ортган. Бу борада уларга маҳалланинг кўмаги қўл келаётир.

Хонадонларга кирар эканмиз, шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратаман. Кўпчилик аввалига сир бой бермайди. Ҳаётини тўла-тўқисдек кўрсатишга уринади. Лекин яратиб берилмаётган шароитлар ва имкониятлар ҳақида сўз очсак, кўнглидаги ўйи, ташвиши, муаммоларини аста сўзлай бошлайди.

Уйма-уй юрганганда, хотин-қизларга тавсиянома асосида имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик қилиши, хунар урганиб, субсидия ёрдамида ўз ишини йўлга қўйиши мумкинлиги ҳақида кўп гапираман. Хуллас, меҳнат қиламан, деган одамга бугун ҳамма шароит муҳайё. Баъзилари дарров ғоялари ҳақида гапирар кетса, баъзилари ўйланиб қолади. Ички кўркүв янги иш бошлашига йўл бермайди. Шунда ён-атрофимиздаги катта ютуқларга эришяётган аёлларни мисол келтирсак, сал жонлангандек бўлади.

Наргизахон Шодиева маҳалла тавсияси билан 100 миллион сўм кредит олиб, хусусий боғча ташкил этди. Ҳозир 30 нафар тарбияланувчиси бор. 5 нафар аёлнинг

Муҳаббатхон ИЛМИЯМИНОВА, Қўқон шаҳридаги "Ўзумзор" маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

доимий бандлигини таъминлаган. Маҳалламиз ҳали янги бўлгани учун давлат мактабгача таълим ташкилоти йўқ. Шу каби хусусий боғчаларга талаб юқори.

Тадбиркорлики бошлашда талаб ва истакдан келиб чиқиш муҳим. Бу фаолиятнинг муваффақиятини белгилувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Ота-онаси эрта турмушга узатиб юборган айрим қизлар ишлаш истаги борлиги, лекин ҳеч қандай касбга эга эмаслигидан куюниб муурожаат қилишади. Жорий йилда шундай аёлларнинг 15 нафарини хунарга ўқитиб, билим ва малака эгаллашига эришдик. Энди уларга ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда субсидия асосида тикув машиналари олиб беришни режалаштирганимиз. Тикувчилик соҳаси ёш болалари, қайнона-қайнотали

келинлар учун жуда қулай. Уй юмушларидан ортиб, сеvimли машғулотига вақт ажратиш имконига эга бўлишяпти. Турли корхоналардан буюртмаларни қабул қилиб, белгиланган вақт ичида тамомлаб топширади. Ойига 1 миллион сўмдан 2,5 миллион сўмгача даромад топаётганлар бор. Энг муҳими, аёл ўз устидан ишлашяпти. Янги ўрганган хунарини янада мустаҳкамлашяпти. Ҳаётдан хурсанд.

Бундан икки йил аввал Рашидахон Акбарова келини Ўғилхон Акбарова билан бирга маҳалла тавсиясига кўра кредит олиб, кичик тикувчилик корхонасини ташкил этган эди. Ҳозир 15 нафар ишчиси билан бирга ёш болалар учун кийимлар тикяпти.

Маҳалламиз аёллари жуда меҳнатқаш. Борган сари шахсий ривож учун ҳаракат қилляпти. Уларга қанча кўп ёрдамим тега, шунча ўзимни бахтли ҳис қиламан. Истагим, ҳар бир аёл жамиятга муносиб ўрнига эга бўлса, илму маърифати билан баркамол ва етуқ фарзандларни тарбиялаб улғайтирсин...

ТАРБИЯ

# Фарзанд нега ўғрилиққа қўл уради?

Маҳбуба БҮРИЕВА, "Оила ва гендер" илмий-тадқиқот институти "Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш ва оила психологияси" бўлими мутахассиси.

Фарзанд тарбиясида ота-она турли муаммолар билан юзлашади. Унга тўғри йўл кўрсатиб, камчиликларини бартараф эттириш учун, аввало, муаммо нимада эканини аниқлаш керак. Айниқса, ёлпон сўзлаш, ўғрилиқ қилиш, яқинларидан яширинчча ноўрин хатти-ҳаракатларни бажариш каби ҳолатларга ўз вақтида жиддий чора кўрилмаса, кейинчалик оқибати аяқчли яқун топиши мумкин.

Ўғрилиқ бола руҳиятининг бузилиши билан боғлиқ ҳолат бўлиб, ҳар бир ёшда бунинг ўзига хос омиллари мавжуд. Мактабгача ёшда бўлган боладаги ўғрилиқнинг асосий сабаби бирор нарсага эга бўлиш хоҳиш-истагининг кучлилигидир. Масалан, ўртоғидаги янги ўйинчоқ орзуси, бу болани ўша ўйинчоқни ўғирлаб олишига сабаб бўлади. Бола «меники», «сеники», «уники» ва «ҳамманики» каби тушунчаларни адаштириб юборади. Аммо ўйинчоққа эришиш орзуси ортида ота-онанинг фарзанд истақлари билан қизиқмагани ётади.

Бола ўз яқинларига совға қилиш истаги сабабли ўғрилиқ қилса, демек, унга ота-она камдан-кам совға берадики, бу

камчиликни бошқаларга кўрсатиб, ўздан қониқиш ҳосил қилиш истаги пайдо бўлмоқда.

Бошқаларни ўзига жалб қилиш мақсадида ўғрилиқ қилса, билинги, бировнинг нарсасини ўзиники қилиб олиш хоҳиши остида ўртоқлари уни тан олмаётгани ёки енгиллиши ётади.

Бола кимнидир жазолаш ёки ўч олиш мақсадида нарсасини ўзлаштирсин, бу билан кўнглини оғритган инсонга зарар етказишга уринади.

Фарзандда 8-11 ёш оралиғида ўғрилиқнинг пайдо бўлиши иродасизлик оқибати бўлиши мумкин. "Истаиман" деган хоҳиш ўрнига "Мумкин эмас" деган қарорни айта олмагани сабаб бўлади. Фарзанднинг 12-15 ёшида ўғрилиққа қўл уриши анланган қадамдир.

Ота-она боласи ўғрилиққа қўл урганини сезса, ушбу қоидаларга риоя қилмоғи даркор:

**1-қоида:** Фарзандингизга ўғрилиқ нима эканини тушунтиринг. Ўғрилиқни ман этинг! Жавобгарлиқни мисоллар билан тушунтиринг.

**2-қоида:** Ўз нарсасини ўғрилатиб қўйган инсон хатти-ҳаракатлари ва ўғрига нисбатан пайдо бўлган ҳиссиётлари ҳақида тушунча беринг.

**3-қоида:** Фарзандингизга «ўғри» деган ёрлик қўйишдан, ундан нафратланишдан ўзингизни тийинг. Фарзандингизга сиз уни яхши кўришингизни, бу қилган иши ёмон эканини тушунтиринг. Ҳозирча ҳаракати ўғрилиққа айланган фарзандингизнинг ўзи ҳам ўғрига айланишига йўл қўйманг.

**4-қоида:** Ўғрилиги ҳақидаги ҳодисани ўзи билан холи қолган ҳолда таҳлил



қилинг. Бу воқеа ҳақида бегоналарга ошкор қилманг. Ҳамманинг олдида унинг фақат яхши томонларини айтинг.

**5-қоида:** "Қандай қилиб бунга қила олдинг?", "Сен мени ўйламадингми?" каби катталарга хос сўзларни ишлатиб фарзандингизни тушунмайдиган ҳиссиётлар дунёсига фарқ қилманг. Бу айбловларингизнинг фойдасидан зиёни кўп.

**6-қоида:** Бошқа тенгдошларига ёки ўзингизнинг ёшлигингиз билан солиштирманг. "Мен сендек пайтимда..." деб бошланадиган маърузани фарзандингиз психикаси қабул қила олмайд.

**7-қоида:** Қилган ўғрилигини таҳлил қилаётганда ўрта меъёр сақлангани, кейинги сафар қилган хатосини яширмасликка ўргансин.

**8-қоида:** Таҳлил қилиб бўлган, унинг бу ишни қайта қилмаслигига келишиб олинг. Бу воқеани бошқа эсламанг, фарзандингиз ҳам худди шундай йўл туттиши кераклигини тушунтиринг. Бу воқеа ҳақида фарзандингизга ҳар сафар эслатишингиз у томондан ўзини оқлаш учун сабаблар топишга ундайди.

**9-қоида:** Ўғрилиқ сабабини бартараф этиш йўллари изланг.

**10-қоида:** Оиладаги иллатли ҳолат ва тарбиянингиздаги хатолик фарзандингизнинг ўғрилиқ қилишига сабаб бўлганини тўғри тушунинг. Тарбияда кичик жиҳатни ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Ҳар қандай муаммога ўз вақтида ва ўрили ечим топиш зарур.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ  
Дизайнер: Абдулазиз АҲМЕДОВ  
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «МАHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани «Лашкарбеги» МФЙ, Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.  
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.  
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси 41-уй.



Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 2 425 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-720

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.